

ЗАМОНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИКДА АКТ ДИСКУРСИНИ ЎРГАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Ибрагимова Найира Анваровна

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари
университети, ф.ф.д. (PhD), доцент

АННОТАЦИЯ

*Ушбу мақолада тилшунослик доирасида илмий дискурсни ўрганиш
тенденциялари таҳил қилиниб, ахборот коммуникация дискурси назарий
методологик жиҳатдан тадқиқ этилган.*

***Калит сўзлар:** АКТ дискурси, компьютер дискурси, атамашунослик,
тенденция, интернет, электрон алоқа*

ИССЛЕДОВАНИЕ И АНАЛИЗ ПОНЯТИЯ ТЕКСТА В ЛИНГВИСТИКЕ

Ибрагимова Найира Анваровна

Ташкентский университет информационных технологий имени Мухаммада ал-
Хоразми, д.ф.н. (PhD), доцент

АННОТАЦИЯ

*В данной статье анализируются тенденции изучения научного дискурса в
рамках лингвистики, а также исследуется информационно-коммуникативный
дискурс теоретически и методологически.*

***Ключевые слова:** ИКТ-дискурс, компьютерный дискурс, терминология,
тенденция, интернет, электронная коммуникация.*

RESEARCH AND ANALYSIS OF TEXT COMPREHENSION IN LINGUISTICS

Ibragimova Nayira Anvarovna

Tashkent University of Information Technologies named after Muhammad al-
Khwarizmi, (PhD), Associate professor

ABSTRACT

*In this article, trends in the study of scientific discourse within the framework of
linguistics are analyzed, and information communication discourse is researched
theoretically and methodologically.*

***Key words:** ICT discourse, computer discourse, terminology, trend, internet,
electronic communication.*

КИРИШ

Фақатгина янги даврга келиб олимлар ўз олдига фанни “кашф қилиш”, кенг жамотчилик орасида уни оммалаштириш, илмга оид билимларни барча инсонларга тақдим этиш, илмий дискурсни эса жамият билан мулоқот қилиш учун макон сифатида фойдаланиш каби вазифалар қўйдилар. Қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун дастлаб Лондонда, кейин эса Европада илмий мунозара ва халқаро маърузалар ташкил қилиш бошланди. Бу оғзаки нутқ элементларини ўз ичига олган илмий матнларда ҳам ўз аксини топди.

XXI асрда илм-фаннинг жадал ривожланиши, ахборот ҳажмининг кескин ошиб бориши, илмий йўналишлар интеграцияси, бутунжаҳон глобализацияси, IT-технологияларни илмий фаолиятга ва илмий коммуникацияларга жорий қилиниши, сайёрамизнинг турли нуқталариги жамоавий илмий изланишлар сонининг тобора ортиб бориши, илм-фани оммавийлаштиришга, илмий услубнинг адабий тилга интеграция қилинишига имкон берди. Натижада, лингвистларнинг илмий дискурсни ўрганишга бўлган қизиқишлари тобора кучайди. Илмий дискурсни ўрганиш бўйича илмий ишлар дистрибуциясини уч векторли диаграмма кўринишида тасвирлаш мумкин, унда турли тиллар мисолида илмий дискурсни қиёслашга бағишланган тадқиқотлар – биринчи вектор бўлса, иккинчи векторга – субдискурслар (турли илмий соҳаларда фаолият юритувчи илмий дискурслар), учинчи векторга – турли даражадаги илмий дискурс бирликлари (лексика, метафра ва ҳ.к.) таҳлилини киритиш мумкин.

МЕТОДОЛОГИЯ

Биринчи вектор йўналишида инглиз, корейс, украин, француз, немис ва рус тилларида амалга оширилган илмий дискурс тадқиқ қилинади. Шубҳасиз, тадқиқотларда дискурсни ҳам универсал, ҳам ўзига хос хусусиятларини ажратиш олиш имконини берувчи чоғиштира қиёслаш устунлик қилади: рус тили [1], инглиз, француз тиллари [2, 3], немис тили [4], ўзбек тили [5]) ва бошқалар таққосланган.

Изланишларимизда лингвистларнинг илмий қизиқишларини **иккинчи векторга** оид турли субдискурсларга қараб тақсимланиши қуйидагича кузатилди: тадқиқотларнинг кўпчилиги иқтисодий матнларга бағишланган, бошқа соҳаларга оид тадқиқотлар камроқ учрайди, жумладан тиббиётга (И. В. Семенчук, А. Н. Товстыко, М. А. Логинова), юридик (Е. Л. Ключникова) ва ахборот технологиялари (Т. И. Койкова, С. В. Полякова, С. Л. Мишланова, С. Ю. Жданова) [6]) соҳаларига оид матнлар бўйича тадқиқотлар, компьютер дискурсига оид ишлар, ҳамда энергетика соҳасининг субдискурсларига

бағишланган. Шунингдек, ушбу векторга муаллифлик матнларига доир тадқиқотлар ҳам мавжуд бўлиб, биринчидан, алоҳида олимларга тегишли бўлган матнлар (мисол учун, юриспруденция, тарихга оид ва ҳқ), бадий услубнинг илмий дискурсга кириб боришини таҳлил қилиш бўйича матнлар; иккинчидан, бадий матнларни уларга илмий услуб элементларининг кириб бориш нуқтаи назаридан ўрганиш (масалан, М. А. Булгаков, А. П. Чехов, Л.Е.Улицкая, В. В. Вересаев, В. П. Аксеновларнинг асарлари) [7]) ўз аксини топади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Шундай қилиб, тадқиқотчилар илмий дискурс билан бошқа турдаги дискурсларни (бадий) интеграцияси ва ўзаро таъсир муаммосига турлича ёндашганлар [8]. Таъкидлаш лозимки, иқтисод, бизнес-муҳит ва тиббиётга бағишланган илмий ишларнинг аксарияти дискурснинг коммуникация ва ўзаро таъсир қилиш борасида энг зарур йўналишини акс эттиради.

Тадқиқотларнинг учинчи вектори турли даражадаги тил бирликларини ўрганишга қаратилган: биринчи навбатда лексикага, одатда терминларга (уларнинг этимологияси, сўз ясалиш салоҳияти, мос келиши ва бошқалар), шу қаторда турли сўз ясалиши, лексик ва морфологик тузилмаларга хос бўлган тилларда термин майдонлари қиёсланади: ўзбек-инглиз, рус-ўзбек, рус-тожик, рус-инглиз, рус-хитой [Циммерман 2000, Просвирнина 2015, Агеева, Сахратова 2016, Рябцева 1992; 1996, Ягенич 2018].

Бундан ташқари, кўпгина тадқиқотчиларнинг диққати терминологик тизимда фразеологик бирликлар, айниқса метафора қўлланишига қаратилган. Бизнинг фикримизча, атамашуносликни тадқиқ қилишга бўлган бундай эътибор илмий дискурс учун хос бўлган аниқлик, нисбатан бир маънолик, номинация чегараларининг аниқ белгиланганлиги каби хусусиятларни таъминлаш учун йўналтирилган терминлар унификациясига бўлган тенденциянинг аксидир. Халқаро илмий ҳамжамиятнинг коммуникацияси умумий илмий тилнинг мавжуд бўлишини кўзда тутади. Унда ушбу тилнинг лексик бирликлари сифатида ҳар хил тил эгалари учун семантик мазмунга эга терминлар хизмат қилади. Илмий дискурс ривожланишида яна бир тенденция дискурснинг бошқа турлари (хусусан, бадий, оғзаки, расмий-идоравий дискурслар) билан аста-секин чегараланган интеграциясидан иборат, бу эса дискурсив майдонга ўтган асрдан кириб келган экспрессивлик, диалог, ифодаланганлик каби хусусиятларни соддалаштиришга олиб келди [8].

Буларнинг барчаси бизга замонавий дискурсив маконда илмий дискурс институционаллиги модификациясини кузатиш имконини беради.

Илмий дискурснинг грамматик ва морфологик хусусиятлари лингвистик жиҳатдан таҳлил қилинган. Жумладан, Л. Б. Кузнецова ва С. А. Сучкова илмий дискурснинг грамматик хусусиятларини инглиззабон илмий мақолалар аннотациялари мисолида тадқиқ қилиб, инглиззабон илмий дискурс маконида муаллиф фикрини репрезентация қилувчи олмошлар билан бирга матнларда экспликациянинг ортиб боришини кузатганлар. Бу эса илмий регистрда деперсонализация даражасининг пасайиб бориш тенденциясини тақозо қилади [9]. Тўртинчи тенденция – бу илмий матнлар композицияси хусусиятларини тадқиқ қилиш. Жумладан, Е. А. Баженов илмий матннинг когнитив мазмунига субматнлар мураккаб тизими (матннинг типик тузилмавий-семантик бирликлари), уларни 8 турини ажратиб, уларга асосий (янги билим ва методологик) ва қўшимча (эски билим, прецедентли, периферик, баҳолаш, авторизация ва адресация) субматнлар сифатида қарайди. Ушбу ажратилган турлар объектив ва субъектив билимларни тақдим этиш нуктаи назаридан батафсил ўрганилган. [10].

Рус тилшунос олимларининг ишларида “компьютер дискурси” атамаси бир қанча маъноларда қўлланилиб, у “компьютер мулоқоти” орқали юзага келадиган, монолог ва диалогга оид кўп жанрли нутқ тури деб тарифланади. Шу билан бирга, замонавий ахборот технологиялари билан боғлиқ, умумий мавзу остида боғланган барча матнлар “компьютер дискурси” деб аталади. Агар ҳозир нутқнинг энг умумий тушунчаси унинг келиб чиқиши ва идрок этилишига таъсир қилувчи (прагматик, ижтимоий-маданий, психологик ва бошқалар) омиллар билан бирликда боғланган матн назарда тутилса, у ҳолда интернетда шахслараро мулоқотнинг янги компьютер дискурси деб аталадиган соҳаси шаклланётганлигини гувоҳи бўламиз.

Компьютер нутқини таҳлил қилишда мулоқотнинг интерактив модели энг самарали модел ҳисобланади, у вазиятнинг ижтимоий-маданий шароитидаги ўзаро таъсирини асосий тамойил сифатида илгари суради. Ушбу модел Д. Шиффрин томонидан ишлаб чиқилган ва М.Макаров томонидан тақдим қилинган [11].

Электрон алоқа тармоғида дискурс баъзи муаллифлар учун мураккаб комбинация бўлиб кўринади: шахсий почта хабарларини юбориш (кундалик дискурс), расмий маълумот алмашиш ва сўраш (ишбилармонлик дискурси), янгиликлар гуруҳлари ёки конференцияларда илмий масалаларни муҳокама қилиш (илмий дискурс), реклама баннерлари ва веб-сайтлар (реклама нутқи) ва бошқалар [12].

А.Н. Гребнев электрон коммуникацияни (ЭК) ижтимоий ахборот алоқаси деб ҳисоблайди, бунда алоқа канали электрон (рақамли) муҳит сифатида намоён бўлади [13]. ЭК ушбу муаллиф томонидан компьютер воситачилигидаги алоқа йўналиши (СМС, Computer-mediated communication) доирасида ўрганилмоқда. Мисоллар: – асинхрон конференция: – электрон почта (электрон почта); – Интернет-форумлар (Интернет форум ёки хабарлар тахтаси) ёки электрон доска (BB, bulletin board); – янгиликлар гуруҳлари (newsgroups); – почта рўйхатлари (mailing-lists); – синхрон конференция: – тезкор хабарлар (IM, Instant Messaging); – суҳбат хоналари (chat rooms); – видео конференция; – овозли конференция; – маълумотларни алмашиш (data conferencing ёки whiteboard).

Электрон алоқа соҳасида табиий ёзма нутқ, сўзлашув нутқи воситаларини (интонация, оҳанг, овоз баландлиги) ёзма шаклга (тагини чизиш, матнни ранг билан ажратиш кўрсатиш, бош ҳарфлар) мослаштириш билан тавсифланади. Матнни электрон шаклда тақдим этишнинг яна бир муҳим хусусияти турли паралингвистик воситалардан (чизма, фотосурат, шунингдек, шрифт, ранг, график белгилар ва бошқалар) фойдаланишдир.

Бунда, тил ўзаро таъсирнинг янги шакли – ёзма сўзлашув нутқи, ва у билан бирга янги нутқ жанрлари пайдо бўлади. Электрон алоқа соҳасида ёзма нутқнинг қуйидаги жанрлари олдиндан белгиланган: а) суҳбат; б) форум; в) меҳмонлар китоби; д) тармоқ кундалиги; е) блог.

Бугунги кунда электрон алоқа соҳасида фойдаланиш учун аниқ тил нормалари мавжуд бўлмаса-да, тадқиқотчиларнинг интернетнинг лингвистик жиҳатининг аҳамияти ҳақида [14] ва, ҳатто виртуал лингвистик шахснинг пайдо бўлиши ҳақида ҳам назариялари мавжуд. [15]

ХУЛОСА

Демак, ҳозирги кунда ахборот коммуникация технологиялари дискурси илмий дискурсининг иккинчи вектори доирасида юзага келиб, уни тадқиқ этиш замонавий тилшунослик учун аҳамиятга эга. Ҳозирги ахборот технологиялари билан боғлиқ, умумий мавзу остида боғланган барча матнлар компьютер дискурси тушунчаси остида мужассам бўлиб, уни тадқиқ этишда интерактив моделдан фойдаланилади. Компьютер дискурси янги нутқ жанри бўлмиш ёзма сўзлашув нутқини келтириб чиқарди. Компьютер нутқ(дискурс)и деганда биз интернет майдонидаги реал мулоқот, алоҳида турдаги фаолият ва мавжудлик ҳолатидаги электрон матнлар туркумини назарда тутамиз. Электрон дискурда мулоқотнинг оғзаки ва матнли жиҳатларининг ўзаро мураккаб таъсири

натижасида янги структуравий ва стилистик хусусиятларга эга бўлган компьютер нутқи пайдо бўлмоқда.

REFERENCES

1. Юань Ни. Функции ментальных перформативов в научном тексте // Современные гуманитарные исследования. 2009. № 1 (26). – С. 76-78.
2. Данилова И.С., Данилова Ю.С. Структурно-семантические особенности медицинских терминов в английском и французском языках и проблемы их перевода на русский язык (краткое сообщение) // Вестник новых медицинских технологий. Электронное издание. 2014. № 1.
3. Шамара И.Ф. Научный медицинский дискурс: о некоторых особенностях раздела “обсуждение” в научной медицинской статье на английском языке // Теория языка и межкультурная коммуникация. 2018. № 2 (29). – С. 142-151.
4. Аликаев Р. С., Аликаева М. Р. Частотные параметры словосочетаний в семантико-синтаксических универсалиях научного текста // Актуальные проблемы филологии и педагогической лингвистики. Ежегодный журнал. Выпуск XIII. Владикавказ, 2011. – С.178-185.
5. Артыкова Г.Ш., Халметова С.В. К вопросу об образовании некоторых медицинских терминов в русском и узбекском языках // В мире науки и искусства: вопросы филологии, искусствоведения и культурологии. 2014. № 34. – С. 85-90.
6. Полякова С.В., Мишланова С.Л., Жданова С.Ю. Образ врача в специальных группах сети «Фейсбук» // Апробация. 2016. № 12 (51). –С. 172-173.
7. Баринаева Е.Е. Научный термин в современной художественной литературе (А. Битов, Н. Байтов, Л. Улицкая) // Критика и семиотика. 2011. Выпуск 15. – С. 197-207.
8. Таюпова О.И. Прагматика научно-популярного текста // Актуальные проблемы контрастивной лингвистики, типологии языков и лингвокультурологии в полиэтническом пространстве. – Уфа: РИЦ БашГУ, 2011. – С. 135-143.
9. Чибисова Е.Ю. Фразеологические единицы: эмоционально-субъективное в современной английской научной литературе // Система ценностей современного общества. 2011. № 17-1.– С. 132-138.
10. Кузнецова Л.Б., Сучкова Л.А. Пассив или актив? «Я» или «мы»? // Высшее образование в России. 2015. № 8-9.–С. 143-149.
11. Баженова Е.А. Научный текст как система субтекстов: автореф.дис...д-ра филол. наук. Екатеринбург, 2001.– 42 с.

12. Касумова Марина Юрьевна. “Компьютерный дискурс как новый вид коммуникации” Вестник Красноярского государственного педагогического университета им. В. П. Астафьева, no. 3, 2009.–pp. 62-66.
13. Галичкина Е.Н. Специфика компьютерного дискурса на английском и русском языках: дис.... канд. филол. наук. –Астрахань, 2001. – С. 45.
14. Гребнев А.Н. Методология коммуникационной научно-образовательной среды // Труды XIII Всероссийской научно-методической конференции «Телематика-2006». – СПб., 2006. – С. 220–222.
15. Бергельсон М.Б. Языковые аспекты виртуальной коммуникации. URL: [http:// www. rik.ru/vculture/seminar/index.html](http://www.rik.ru/vculture/seminar/index.html), 2002.
16. Компанцева Л.Ф. Гендерные основы Интернет-коммуникации в постсоветском пространстве. – Луганск, 2004.–С. 267.
17. Abdumanapovna, S. A. (2018, October). The contemporary language studies with corpus linguistics. In *Proceedings of the 2nd International Conference on Digital Technology in Education* (pp. 82-85).